

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЖМИДИНОВА ХИЛОЛА ЁКУБЖАНОВНА**

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЭЛЕМЕНТАР  
МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
МЕТОДИКАСИ**

**13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик (DSc) диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Нажмиддинова Хилола Ёкубжановна**

Мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасаввурларини шакллантиришда мультимедиа технологияларидан фойдаланиш методикаси...5

**Нажмиддинова Хилола Ёкубжановна**

Методика использования мультимедийных технологий в формировании элементарных математических представлений дошкольников ..... 35

**Najmiddinova Khilola Yokubjanovna**

The methods of using multimedia technologies in the formation of the elementary mathematical imagination of preschoolers..... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 67

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЖМИДИНОВА ХИЛОЛА ЁКУБЖАНОВНА**

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЭЛЕМЕНТАР  
МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
МЕТОДИКАСИ**

**13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар каммаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/Ped104** рақам билан лавдан ўтказилган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажаришган.

Диссертация автореферати уч (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) тилда илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.namdu.uz](http://www.namdu.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталининг [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Аришов Мирсид Мирсиддиқович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Бегимқулов Узоқбой Шойимқулович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Уришов Ахмаджон Қўшақович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Эржабоева Нигора Шерматовна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация химояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил "30" ноябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (998) 69-227-06-12; факс: (998) 69-227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz)).


Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (998) 69-227-07-61.

Диссертация автореферати 2021 йил "17" ноябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил "17" 11 да 1 - рақамли реестр баённомаси).



  
**Т.Файзуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
бир марталик илмий кенгаш раиси,  
с.ф.д., профессор

  
**Ш.К.Хўжамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи  
бир марталик илмий кенгаш  
илмий котиби, PhD

  
**А.Қ.Уришов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## Кириш (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аҳолисининг салкам учдан бир қисмини болалар ташкил қилади. Бугунги кунда қатор ривожланган давлатларда мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасаввурларини шакллантиришга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, АҚШ да “Children and popular culture” (Болалар ва оммавий маданият) ҳамда “Math and Parent Partnerships” (МААПС) (“Математика ва ота-оналар ҳамкорлиги”) дастурлари 1999 йилдан буён амал қилади. Ушбу дастурлар мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбия жараёнида махсус ишлаб чиқилган компьютер дастурларидан фойдаланиш орқали уларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришга, ота-оналарга фарзандларининг келажаги учун математиканинг аҳамиятини тушунишга, математика таълимидаги янги ўзгаришлар билан танишишга, шунингдек, ушбу фан бўйича билимларини оширишга ёрдам беради<sup>1</sup>. Финляндияда таълим ва маданият Вазирлигининг ҳомийлиги остида педагоглар, ота-оналар ва муассасанинг бошқа ишчилари учун инфор­мацион онлайн портал ташкил қилинган. Бу портал, асосан, 5-8 ёшли таълим олувчиларнинг математика ва ўқиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Жаҳонда рўй бераётган бугунги ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт таълимдаги мавжуд тизим билан зиддиятга учради. Халқаро таълим стандартлари 3-7 ёшли болаларнинг замонавий ахборот технологиялари соҳасида асосий тушунчаларни билиши ва улардан ўринли фойдаланиш кўникмаларини эгаллашларини талаб этади. Таълимнинг мақсадлари, вазифалари ва тамойилларини белгилаш, унинг мазмуни, ўқитиш шакллари, усуллари ва воситаларини қайта кўриб чиқишда мутлақо янги ёндошувларни қўллаш зарурати юзага келди.

Ўзбекистон таълим тизимининг жаҳон таълим майдонига кириб бориш зарурати олимлар ва тадқиқотчилардан таълим муҳитининг турли жиҳатларини ўрганиш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар олиб боришни талаб қилмоқда. Замонавий таълим тизими ҳар бир боланинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ўз олди­га юқори технологияли жамиятда яшашга тайёр, ҳаёт давомида инновацион технологиялардан фойдаланишга қодир шахсни тарбиялаш мақсадини қўяди. Қўйилган мақсадни амалга ошириш, кўп жиҳатдан математик қобилиятларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, математик таълим болаларнинг мактабгача таълим ёшидаёқ уларнинг элементар математик тасаввурларини шакллантиришга хизмат қилади. Айниқса, ахборотлаштириш ва технологиялаштириш ҳукм сураётган бугунги даврда математик таълимнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Сифатли математик таълим ҳар бир шахсга жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши ва юқори технологияларни тез, осон ўзлаштириши учун жуда

<sup>1</sup> Ginsburg, H., Duch, H., Ertle, B. and Noble, K. (2012). How can parents help their children learn math?. In: B. Wasik, ed., *Handbook of Family Literacy*, 2nd ed. New York: Routledge, pp.51-65.

зарурдир. Зеро, “Математика ҳамма аниқ фанларга асос. Бу фанни яхши билган бола ақли, кенг тафаккурли бўлиб ўсади, исталган соҳада мувоффақиятли ишлаб кетади...”<sup>2</sup>. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёшларда математика фанига қизиқишни кучайтириш, иқтидорли болаларни селекция қилиб, ихтисослаштирилган мактаблар ва кейинчалик олий таълим муассасаларига қамраб олиш ишларини тўғри ташкил қилиш, болалар учун мазкур фандан оддий ва тушунарли тилда ёзилган оммабоп дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш, математик онгни, керак бўлса, боғчадан бошлаб шакллантириш вазифаси қўйилди<sup>3</sup>.

Ушбу диссертация тадқиқоти 2019 йил 16 декабрда тасдиқланган ЎРҚ-595 Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги 418-сон “Мактабгача таълим тизими учун кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 11 июндаги 487-сон “Мактабгача таълим тизимида илғор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 22 декабрдаги 802-сон “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасаввурларини

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олимлар, ёш тадқиқотчилар, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ва ишлаб чиқариш сектори вакиллари билан учрашувидаги нутқидан (31.01.2020 й.).

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Ушбу бандни тайёрлашда қуйидаги манбаларга асосланildi: 2019. Ekrost.ru. Применение компьютерных игр в подготовке старших дошкольников к обучению в школе; Н.Л.Королева, М.В.Абрицова. Применение зарубежного опыта для использования информационных технологий в развитии детей 3-8 лет // Психолого педагогический журнал Гаудеамус. - 2013, № 2 (22).; A Glimpse Into the Playful World of Seymour Papert. By [Idit Harel](#); Г.П.Петку. Педагогические условия познавательного развития старших дошкольников в режиссерской игре с применением компьютерных средств; С.Л.Новоселова. Компьютер в детском саду//Дошкольное воспитание.-1998.-№9.-С.65-71.; О.А.Сурова. Что могут дать

шакллантиришда мультимедиа технологияларидан, хусусан, компьютер ўйинларидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва компаниялари, жумладан, “Дошкольное детство” Маркази, Москва давлат университети, РАО Психологик институти, “Электроника” номли илмий-тадқиқот институти, “Компьютер и детство” номли Ассоциация, ООО “Новый диск” компанияси (Россия), Массачусет технология институти, “Children and popular culture” дастури, “Math and Parent Partnerships” (MAAPS), “National Association for the Education of Young Children - NAEYC”, Disney Interactive, ID Company, MultiSoft, Sony Pictures Animation Inc каби йирик компаниялар (АҚШ)да олиб борилмоқда.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбия жараёнида компьютердан фойдаланиш ғояси ва дастлабки назарий асослари илк бор 1964 йилда С.Пейперт томонидан берилган. 1971 йили АҚШ да Массачусет технология институтининг бир қатор тадқиқотчилари томонидан мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган илк дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилган. Аммо компьютер кўп мамлакатларда таълим тизимида восита сифатида 1970 йилдан кириб кела бошлади, компьютернинг оммавий равишда татбиқ этилиши Англия ва Америкада 1981 йил, Францияда 1982 йил, собиқ Совет Иттифоқида 1983-1984 йиллардан бошланган. 1986 йили Москвадаги болалар боғчасида биринчи компьютер ўйинлари мажмуаси очилган ва бу соҳада комплекс илмий тадқиқотлар йўлга қўйилган. Тажриба натижалари таҳлил қилиниб, улар кейинги тадқиқотлар ва ишланмаларга асос сифатида олинган. Бу ишнинг асосчилари А.В.Запорожец номли “Дошкольное детство” Маркази, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, РАО Психологик институти, “Электроника” номли илмий-тадқиқот институти ҳамда бошқа ташкилотларнинг олим ва мутахассислари бўлганлар. 1990 йилда бу ташкилотлар “Компьютер и детство” номли мустақил Ассоциацияга бирлашганлар. Бу Ассоциация болаларда режиссёрлик кўникмаларини, конструктив, комбинаторик фикрлаш қобилиятларни, элементар математик тасаввурларни, фазовий йўналишларни, табиат ҳодисаларидаги қонуниятларни англаш кўникмаларини шакллантирувчи ўнлаб ривожлантирувчи дастурлар ишлаб чиққан. Бунда педагоглар, психологлар ва дастурчилар иштирок этганлар. Ривожлантирувчи компьютер ўйинлари, асосан ООО “Новый диск” компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Компьютердан ўқув воситаси сифатида фойдаланиш бўйича бой тажриба АҚШ, Франция ва Буюк

---

детям компьютерные игры? // Управление ДОУ.-2009.-№8.-С.55-59.; О.С.Фомичева. Воспитание успешного ребёнка в компьютерном веке.-М.:Гелиос АРВ, 2000.-192с.; Е.Петрова. Развивающие компьютерные игры//Дошкольное воспитание. - 2000. - № 8. - С. 60 - 62.; Digital Forensics [Электронный ресурс]. URL: [http://www.bloomu.edu/digital\\_forensics](http://www.bloomu.edu/digital_forensics); UTC InfoSec Center Academic Offerings [Электронныйресурс]. URL: [www.naeyc.org/files/naeyc/file/positions](http://www.utc.edu/Re-search/Cisa/concentration.php#_B.S._Computer_Science; Technology in Early Childhood Programs. Serving Children from Birth through Age 8. URL: http://www.naeyc.org/files; Education Development Center, Inc., and SRI International. 2010. Final Ready To Learn Summative Evaluation. Report prepared for the Corporation for Public Broadcasting. N.Y.: Author; NAEYC. 2009. NAEYC Standards for Early Childhood Professional Preparation Programs: A Position Statement of the National Association for the Education of Young Children. Washington, DC: NAEYC. URL: <a href=) / Prof Prep Standards 09.pdf.; NAEYC. 2009. Position Statement: Developmentally Appropriate Practice in Early Childhood Programs Serving Children from Birth through Age 8. Washington, DC: NAEYC.; National Association for Media Literacy Education. 2007. Core Principles of Media Literacy Education in the United States. URL: <http://namle.net/publications/core-principles/>.

Британияда тўпланган. АҚШда болаларга компьютердан фойдаланган ҳолда оилада ва мактабда таълим беришнинг бир қатор моделлари ишлаб чиқилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, компьютер орқали таълим берилган гуруҳларда таълим самарадорлиги анча юқори бўлган. Бу ерда “Children and popular culture” дастури фаолият олиб борган. Бунинг натижасида олинган муҳим хулоса шундан иборатки, билимларни эгаллашда ўйинларнинг, жумладан, компьютер ўйинларининг аҳамияти каттадир. Муаллифлар компьютер технологиясини болалар боғчалари амалиётига жорий этиш зарурлигига аҳамият қаратганлар. “National Association for the Education of Young Children - NAEYC” (Вашингтон) томонидан кичик ёшдаги болаларнинг ривожланиши ва таълим олишини таъминлаш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш тамойиллари ишлаб чиқилган. Унда ахборот технологияларини танлаш шартлари, уни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари, ахборот технологияларини теварак-атроф, таълим дастурлари ва кундалик ҳаёт билан интеграция қилиш талаблари келтирилган. Булар асосида мамлакатдаги Disney Interactive, ID Company, MultiSoft, Sony Pictures Animation Inc каби йирик компаниялар томонидан болаларнинг ақлий ривожланиши учун турли хил компьютер ўйинлари ишлаб чиқилган. Француз мутахассисларининг фикрига кўра, компьютер ўйинлари болаларни мантиқий фикрлашга ўргатади, сўз бойлигини оширади, дунёқарашини кенгайтиради. Франция мактабгача таълим муассасалари фаолиятида қўлланиладиган таълим дастурлари орасида болаларга ҳарфларни ўзлаштиришга, уларни сўзлардан таниб олишга ёрдам берадиганлари ҳам бор. Дастур муаллифлари “кўнгил очиш орқали ўргатиш” тамойилига амал қиладилар. Буюк Британияда олиб борилган тадқиқотлар болалар таълим-тарбиясида компьютер технологиясидан фойдаланиш кўламининг кенгаётганлигидан ҳамда компьютер ўйинлари оммалашиб кетаётганидан дарак бермоқда. Сўровномалар ўтказилганда, 82% респондентлар, айнан компьютер технологиясининг таълим учун берган имкониятлари туфайли замонавий болаларнинг билим доираси олдинги авлод болаларига нисбатан анча кенг эканлигини, 34% респондентлар эса компьютер болаларнинг таълим-тарбиясига ёрдам беришини таъкидлаганлар.

Шундай қилиб, мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясида компьютер ўйинларидан фойдаланиш бўйича изланишлар олиб борган тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, кичик ёшдаги болалар таълим-тарбиясида ривожлантирувчи компьютер ўйинларидан фойдаланиш мумкин ва керак. Лекин бунда меъёр муҳим аҳамиятга эга яъни компьютер ўйинлари болаларнинг кундалик ўйинлари билан алмаштирилмаслиги керак. Компьютер болаларнинг ривожланиши ва таълим олишида жуда яхши ёрдамчи бўлиши лозим. Компьютер ёрдамида болада ривожлантирилган малака ва қобилиятлар нафақат бугун, балки узоқ келажакда ҳам керакли ва фойдалидир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Математика фани боланинг шахс сифатида шаклланишида муҳим омил бўлгани учун бу фан асосларини болаларнинг энг ёш даврларидан бошлаб шакллантириш ҳамма даврларда ҳам долзарб муаммо бўлган. Кўплаб тадқиқотчилар бу муаммонинг ечимини

топиш мақсадида турли йўналишлар ва ёндошувлар асосида тадқиқотлар олиб борганлар, дастлабки математик таълимга турли хил метод ва воситаларни қўллаш орқали маълум самарадорликка эришганлар.

Хусусан, республикамиз олимларидан Б.С.Абдуллаева, М.Ахмедов, Н.У.Бикбаева, М.Е.Жумаев, З.Г.Таджиева, М.Тожиев, Д.И.Юнусова кабилар болаларда дастлабки математик тасаввурларни шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини, А.А.Абдукодиров, М.М.Арипов, Т.Р.Азларов, А.И.Аширова, У.Ш.Бегимқулов, Т.Ф.Бекмуратов, Р.Р.Боқиев, Ф.М.Закирова, Х.З.Икромов, М.Э.Мамаражабов, Б.Б.Мўминов, И.И.Рахимова, Х.А.Тўракулов, Н.И.Тайлақов, У.Ю.Юлдашев<sup>5</sup> каби олимлар таълимда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг турли муаммоларини ўрганганлар.

А.А.Абдукодиров, Н.Х.Бегматова, Г.Э.Джанпеисова, З.К.Календаровалар мактабгача таълим тизимида элементар математик билимларни шакллантиришда турли хил технологиялардан, хусусан, мультимедиа технологияларидан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этганлар.

Турли даврларда болалар психологияси билан боғлиқ масалалар, математик тушунчаларни шакллантириш муаммолари, мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, ўйинлар психологияси, кичик ёшдаги болаларнинг таълим-тарбияси масалалари билан Л.С.Выгодский, П.Я.Гальперин, Т.С.Камарова, В.А.Козлова, Л.П.Леонтьев, Н.Н.Поддьяков, С.Л.Рубинштейн, А.П.Усова, Д.Б.Эльконин каби бир қатор олимлар шуғулланганлар.

Мактабгача ва қуйи бошланғич синф ёшидаги болаларни математик ривожлантириш масалалари А.В.Белошистая, Д.В.Волковский, Я.А.Коменский, И.Г.Песталоцци, Л.Н.Тольстой, К.Д.Ушинский каби олимларнинг ишларида ёритилган бўлса, математик таълим жараёнини турли хил дидактик ўйинлар орқали ташкил қилиш масалалари В.В.Глушко, Н.А.Зайцев, М.Н.Перова, Л.Г.Петерсон, Е.Петрова, В.О.Пронин, В.А.Сухомлинский, Е.В.Чаплыгин каби бир қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбиясини ташкил қилишда компьютер ва компьютер ўйинларидан фойдаланиш масалалари билан С.И.Васенина, Б.С.Гершунский, Ю.М.Горвиц, Е.В.Зворыгина, И.О.Ивакина, Е.В.Иванова, Е.Е.Лысенко, Б.Ф.Ломов, В.Я.Ляудис, Е.И.Машбиц, В.М.Монахов, С.Л.Новоселова, И.Ю.Пашилите, Г.П.Петку, Т.К.Смыковская, О.К.Тихомиров<sup>6</sup> каби бир қатор тадқиқотчи олимлар шуғулланганлар.

<sup>5</sup> А.А.Абдукодиров, Н.Х.Бегматова. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш услубиёти/Ўқув-услубий қўлланма. Қарши:“Насаф” нашриёти, 2011й.-229б.; Н.Х.Бегматова. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари/ дисс.п.ф.н.,Т.,2012 й.; З.К.Календарова. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда математик тасаввурларни шакллантиришнинг замонавий методикаси ва амалиёти-Ўқув қўлланма.Нукус,2018 й.-138 б.; Г.Джанпеисова Мактабгача ёшдаги катта гуруҳ болаларида элементар геометрик тасаввурларни шакллантириш/дисс.п.ф.н.-Т.,2005й.; Б.Абдуллаева ва бошқ. Математика. 1-синф ўқувчилари учун илғор педагогик ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича методик қўлланма. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.Т.,2014.; М.Е.Жумаев Bolalarda matematik tushunchalarni rivojlantirish nazariyasi va metodikasi.-Т.:Ilm ziyo,2005.-224b.; М.Э.Жумаев, З.Г.Таджиева. Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси (ОУЮ учун дарслик). Т.:“Фан ва технология” 2005й.; Н.У.Бикбаева, Т.Умарова. Болаларнинг элементар математик тасаввурларини ривожлантириш.-Тошкент: Ўз.ПФТИ, 1995 й.;

<sup>6</sup> Л.С.Выготский. Воображение и творчество в детском возрасте.-М.: Прос.,1991г.93с.; С.Л.Рубинштейн. Принцип творческой самодетельности //Вопросы философии. 1989 г.-N 4.-С.89-92.; А.Н.Леонтьев. Проблемы развития психики. 3-е изд.-М.:Изд-во Мысль, 1965.-465с.; Д.Б.Эльконин. К проблеме периодизации психического развития в детском возрасте//Вопросы психологии. 1971 г.-N 4.-С.6-20.; А.П.Усова. Обучение в детском саду/Под ред. А.В.Запорожца. 3-е изд. -

Уларнинг ишларида компьютер ўйинлари болалар ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим воситаси эканлиги таъкидланади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасаввурларини турли хил дидактик ўйинлар орқали шакллантириш масалаларига доир тадқиқотлар Jean Piaget (Швецария), Maria Montessori (Италия), Maria Agnesi (Италия), María Esteban (Франция), Friedrich Fröbel (Германия) каби бир қатор хорижий олимлар томонидан амалга оширилган. Болалар таълим-тарбиясида компьютер ўйинларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб борган George Shauven (Англия), Seymour Papert (Африка), R.Gelman (АҚШ), Dale F.Hay, Mark K.Johansen, Peter Daly, Salim Hashmi, Charlotte Robinson, Stephan Collishaw, Stephanie van Goozen<sup>7</sup> каби олимларнинг фикрига кўра, компьютер ва компьютер ўйинлари таълим жараёнида болаларга фикрлаш тезлигининг ошишига, диққатнинг барқарорлашишига ёрдам бериб, борлиқни виртуал олам орқали тез ва осон англашларига имкон беради, ўқув жараёнига қизиқишларини орттиради.

Мультимедиа воситалари, хусусан компьютер ўйинларини ишлаб чиқиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга қаратилган кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан, уларнинг ичида мактабгача таълим жараёнларига, болаларда элементар математик

---

М.:Прос.,1981г.-76с.; В.А.Козлова. Формирование элементарных математических представлений у детей младшего возраста-автореф.дисс.док.пед.наук.-М.,2003.-С.47.; Н.Н.Поддьяков. Творчество и саморазвитие детей дошкольного возраста. Концептуальный аспект. Волгоград: Перемена, М.,1995г.; К.Д.Ушинский. Сбор. соч. в 2-хт. 2. - М.:Учпедгиз, 1957.-735с; А.В.Белошистая. Математическое развитие ребёнка в системе дошкольного и начального школьного образования /дисс.док.пед.наук, М., 2003 г.; В.В.Глушко. Формирование элементарных математических представлений у дошкольников с использованием развивающих игр; В.А.Сухомлинский. Сердце отдаю детям.-Киев: Радянська школа, 1974 г. - Стр. 33; Е.Петрова. Развивающие компьютерные игры //Дошкольное воспитание. - 2000. - № 8. - С. 60-62.; М.И.Перова. Дидактические игры и упражнения по математике для работы с детьми дошкольного и младшего школьного возраста. - М.: Прос.,1996 г.; Л.Г.Петерсон, М.А.Кубышева, С.Е.Мазурина, И.В.Зайцева.Что значить “уметь учиться”- Москва, 2008 г.; Е.И.Машбиц. Психолого-педагогические проблемы компьютеризации обучения. - М.: Педагогика, 1988. - 192 с.; Е.Е.Лысенко. Психология компьютерной игры // Тезисы докладов конференций. Серия 9. Экономика и системы управления. Выпуск 2 (299). Проблемы компьютеризации дошкольного воспитания. Материалы научно-технического семинара.-М.,1989. - С. 23-27; Е.В.Иванова. О роли интереса в приобщении старших дошкольников к компьютеру //Дошкольное воспитание. - М., 1994 г. - № 11. - С. 37-39; Б.С.Гершунский. Компьютеризация в сфере образования: Проблемы и перспективы. - М.: Педагогика, 1987 г. – 255 с.; С.И.Васенина. Развивающие компьютерные игры как средство математического развития детей дошкольного возраста // Молодой ученый.-2015 г. - № 20.1. - С. 8-10.; В.Я.Ляудис. Проблемы и задачи психологии компьютерного обучения // Психологические проблемы создания и использования ЭВМ. - М.: Изд-во, МГУ.,1985 г. - С. 26 - 28.; О.К.Тихомиров. Психология компьютеризации. - Киев: Знание, 1988 г. - 16 с.; Т.К.Смыковская. Развитие творчества младших школьников в обучении с применением компьютера. -Дисс.канд.пед.наук. - Волгоград, 1994 г. - 157 с.; Б.Ф.Ломов. ЭВМ и развитие человека // Вестник высшей школы. - 1985, №12.-С.29-33.; И.О.Ивакина. Компьютерные игры – индивидуализированное средство развития творческой активности детей 7-го года жизни: автореф.дисс.канд.пед.наук.-М.1996 г.-23с.; С.Л.Новоселова. Компьютер в детском саду // Дошкольное воспитание.-1998 г.-№ 9.-С.65-71.; Е.В.Зворыгина. Педагогические подходы к компьютерным играм для дошкольников // Информатика и образование. – 1990 г, № 6.-С. 94-102.; Ю.М.Горвиц. Эргономическое проектирование компьютерно-игрового комплекса для дошкольников.- автореф. дисс. канд. псих. наук. - М., 1994 г.-21 с.; Г.П.Петку. Педагогические условия познавательного развития старших дошкольников в режиссерской игре с применением компьютерных средств.;

<sup>7</sup> A Glimpse Into the Playful World of Seymour Papert. By Idit Harel. Title, The Child, Society and the World: Unpublished Speeches and Writings Volume 7 of Montessori series. Author, Maria Montessori; Stage Theory of Cognitive Development. (Piaget) Piaget's Stage Theory of Cognitive Development is description of cognitive development as four distinct stages in children: sensorimotor, preoperational, concrete, and formal. 22 июль. 2014 г.; Agnese's best-known work, *Istituzioni analitiche ad uso della gioventù italiana* (1748, “Analytical Institutions for the Use of Italian Youth”), in two huge volumes, provided a remarkably comprehensive and systematic treatment of algebra and analysis, including such relatively new developments as integral and ... 5 янв. 2020 г.; María Esteban. Math Education Game for primary school // Nov 2016. DOI: 10.1109 / ICIMTech.2016.7930309.; Pedagogics of the Kindergarten : Ideas Concerning the Play and Playthings of the Child by Friedrich Fröbel and Josephine Jarvis. ISBN: 1410209261.ISBN13: 9781410209269; R.Gelman and C.H.Galistel, *The Child's Understanding of Number*, Harvard University Press, 1978.; Dale F. Hay, Mark K. Johansen, Peter Daly, Salim Hashmi, Charlotte Robinson, Stephan Collis haw, Stephanie van Goozen. Seven-year-olds' aggressive choices in a computer game can be predicted in infancy // Developmental Science Volume 21, Issue 3. First published: 24 July 2017.

тасаввурларни шакллантириш масалаларига йўналтирилганлари етарлича эмас. Бугунги глобаллашув жараёнлари, жадал суръатлар билан ривожланаётган ахборот-коммуникацион технологияларнинг иқтисодийнинг барча тармоқларига кириб келаётгани ҳар бир соҳани, жумладан, таълим ва тарбия соҳасини ҳам модернизациялашни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, таълим-тарбиянинг анъанавий метод, восита ва технологиялари билан бир қаторда замонавий шаклларида фойдаланиш, хусусан, таълим-тарбияга йўналтирилган миллий мультимедиа воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан мақсадли фойдаланиш зарурати юзага келмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университетиде бажарилган давлат илмий-техник дастурлар доирасидаги А-5-37-“Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиа интеллектуал ўйинлар” (2015-2017 йй.) номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасаввурларини шакллантиришда компьютер ўйинларига асосланган мультимедиа технологияларидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

мактабгача таълим тизимида элементар математик тасаввурларни шакллантиришда турли хил технологиялардан, хусусан, мультимедиа технологияларидан фойдаланиш муаммоси бўйича юртимиз ва хорижий давлатларда амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

мактабгача ёшдаги болаларнинг компьютер ва компьютер ўйинларига бўлган қизиқишлари даражасини ўрганиш ва бу қизиқишларни педагогик мақсадларга йўналтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасаввурларини шакллантиришга мўлжалланган мультимедиа интеллектуал компьютер ўйинлари технологиясини ишлаб чиқиш;

мактабгача ёшдаги болаларнинг интеллектуал ривожланиш индикаторлари (хотира тезлиги, тафаккур тезлиги, диққатнинг барқарорлиги, реакциянинг тезлиги, оптимал ечим танлаш) асосида элементар математик тасаввурлар шаклланганлик даражасини баҳолаш тизимини такомиллаштириш;

компьютер ўйинлари орқали мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларнинг шаклланганлик даражасини баҳолашнинг автоматлаштирилган механизминини ишлаб чиқиш;

мультимедиа технологиялари ёрдамида мактабгача ёшдаги болаларнинг математик тасаввурларини индивидуал ва гуруҳли машғулотлар орқали шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш;

мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни индивидуал ва гуруҳли машғулотлар орқали шакллантиришнинг интерфаол методлар ва мультимедиа технологиялари (виртуал математик ўйинлар)нинг уйғунлиги асосидаги дидактик таъминотини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мактабгача ёшдаги (3-7 ёшли) болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантириш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мактабгача ёшдаги (3-7 ёшли) болаларнинг элементар математик тасаввурларини шакллантиришда мультимедиали компьютер ўйинларидан фойдаланишнинг мазмуни, шакли, методи, воситалари ва технологиялари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида ўрганилаётган муаммога доир сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; диалог, аналогия, педагогик кузатиш, умумлаштириш, анкета, савол-жавоб; техник ва педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришга мўлжалланган “Автоолам”, “Интеллектуал карточкалар”, “Сонга тўлдир”, “Баскетбол”, “Қувноқ ҳалқачалар” номли узвийлик, фанлараро ички ва ташқи интегративлик, индивидуал, фасилитатив, шахсга йўналтирилган ва адаптив ёндашувларга асосланган мультимедиа технологиялари ишлаб чиқилган;

“Ота-она назорати” дастури фойдаланувчиларнинг компьютер билан мулоқот қилиш жараёнини тартибга солувчи физиологик, психологик, педагогик, техник ва маънавий меъёр талаблари ҳамда элементар математик тасаввурларни шакллантиришга қўйилган давлат талабларини ўзаро уйғунлаштирувчи методика ва алгоритм асосида такомиллаштирилган;

мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш мезони шахснинг хотира тезлиги, тафаккур тезлиги, диққатнинг барқарорлиги, реакциянинг тезлиги, оптимал ечим танлаш каби интеллектуал ривожланиш индикаторларини кучайтириш асосида такомиллаштирилган;

мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурлар шаклланганлик даражасини қайд этиб боровчи ҳамда баҳолаш имконини берувчи автоматлаштирилган механизм ишлаб чиқилган;

мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларни шакллантириш методикаси мультимедиа технологиялари (виртуал математик ўйинлар) билан интерфаол методлар (ўйин, шахсга йўналтирилган, табақалаштирилган, ривожлантирувчи, муаммоли-изланишли, интеллектуал тест, лойиҳалаштирувчи, ҳамкорлик)нинг интеграциясини таъминловчи воситалар (дастурий маҳсулот ва дидактик таъминот) орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

фойдаланувчиларнинг компьютер билан мулоқот қилиш жараёнини физиологик, психологик, педагогик, техник ва маънавий жиҳатдан тартибга солувчи, уларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришга

мўлжалланган, содда, қулай ва миллий интерфейсга эга бўлган “Ота-она назорати” дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

мактабгача ёшдаги болаларнинг индивидуал тартибда ва гуруҳларда математик ривожланишига имкон берувчи “Автоолам”, “Интеллектуал карточкалар”, “Сонга тўлдир”, “Баскетбол”, “Кувноқ ҳалқачалар” каби 34 номдаги компьютер ўйинларининг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган ва “Ота-она назорати” дастурига бириктирилиб, яхлит мажмуа ҳолатига келтирилган;

компьютер ўйин дастурлари ёрдамида хотира тезлиги, тафаккур тезлиги, диққатнинг барқарорлиги, реакциянинг тезлиги, оптимал ечим танлаш каби интеллектуал ривожланиш индикаторлари орқали баҳолаш мезони ишлаб чиқилган;

мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларнинг шаклланганлик даражасини инобатга олган ҳолда, индивидуал математик таълим олишга имкон берувчи шахсга йўналтирилган, адаптив ўйин технологияси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган компьютер ўйин дастурларида ўйин жараёнидаги барча ҳолатларни (боланинг қайси вақтда қайси ўйинни, унинг қайси босқичини ўйнагани, куннинг қайси қисмида ўйнагани, ўйин давомидаги ҳар бир танлови, танловни амалга ошириш учун қанча вақт сарфлагани, танлов тўғри ёки нотўғри бўлганлиги, ўйиннинг ҳар бир босқичи неча марта қайта ўйналгани ва ҳ.к.) инобатга олган ҳолда болаларда элементар математик тасаввурлар шаклланганлик даражасини қайд этиб бориш ҳамда баҳолаш имконини берувчи автоматлашган механизм ишлаб чиқилган;

мактабгача ёшдаги болаларнинг математик тасаввурларини индивидуал ва гуруҳли машғулотлар уйғунлигида, интерфаол методлар ва мультимедиа технологиялари воситасида шакллантиришнинг методик асослари “Компьютер ўйинлари орқали кичик ёшдаги болаларга дастлабки математик билимлар бериш” ҳамда “Maktabgacha yoshdagi bolalarning elementar matematik tasavvurlarini shakllantirishda multimedia texnologiyalaridan foydalanish metodikasi” номли монографиялар, “Matematik tasavvurlarni shakllantirish” номли ўқув қўлланма, “Компьютер ўйинлари ёрдамида кичик ёшдаги болаларда математик билимларни шакллантириш” номли 2 қисмли ўқув-услубий ҳамда “Компьютер ўйинлари ва математика” номли услубий қўлланма мазмунига сингдирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда маънавиятни ривожлантиришга доир миллий тажриба, республикамиз ва чет эллик олимлар, шунингдек, гуруҳ ва кичик гуруҳларда таълимий фаолиятни ташкил этишга доир тажрибаларга асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мультимедиали компьютер ўйин дастурлари орқали мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларни шакллантиришнинг методик асослари, мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларнинг шаклланганлик даражасини автоматик баҳолаш механизми, элементар математик тасаввурларни шакллантиришда муайян илмий қарашлар, воситалар ишлаб чиқилганлиги ва такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фойдаланувчиларнинг компьютер билан мулоқот қилиш жараёнини тартибга солувчи меъёр талаблари (физиологик, психологик, педагогик, техник ва маънавий) билан педагогик талаблар (математик билимларни эгаллаш)ни ўзаро уйғунлаштирувчи, содда, қулай ва миллий интерфейсга эга бўлган “Ота-она назорати” дастурий таъминоти; мактабгача ёшдаги болаларнинг индивидуал ва гуруҳли машғулотларда математик ривожланишига имкон берувчи 34 номдаги компьютер ўйинларининг дастурий таъминоти ишлаб чиқилиб, “Ота-она назорати” дастурига бириктирилганлиги; болаларнинг интеллектуал ривожланиш индикаторлари (хотира тезлиги, тафаккур тезлиги, диққатнинг барқарорлиги, реакциянинг тезлиги, оптимал ечим танлаш) асосида ўз-ўзини баҳолашнинг автоматлаштирилган тизими; болаларда элементар математик тасаввурларни индивидуал ва гуруҳли машғулотлар уйғунлигида, интерфаол методлар ва мультимедиа технологиялари воситасида шакллантиришнинг методик таъминоти - “Matematik tasavvurlarni shakllantirish” номли ўқув қўлланма, “Компьютер ўйинлари ёрдамида кичик ёшдаги болаларда математик билимларни шакллантириш” номли 2 қисмли ўқув-услугий ҳамда “Компьютер ўйинлари ва математика” номли услубий қўлланмалар тайёрланиб, чоп этирилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мультимедиа технологиялари орқали мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришга мўлжалланган, узвийлик, фанлараро ички ва ташқи интегративлик, индивидуал, фасилитатив, шахсга йўналтирилган ва адаптив ёндашувларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган мультимедиа технологияси (“Автоолам”, “Интеллектуал карточкалар”, “Сонга тўлдир”, “Баскетбол”, “Қувноқ ҳалқачалар” каби) оилада тарбияланаётган 3-7 ёшли болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2020 йил 13 февралдаги 01-11/154-сон маълумотномаси). Натижада, математик таълимда оила ва таълим муассасасининг узвий алоқасини таъминлашга, оилада таълим муҳитини шакллантиришга ҳамда тарбияланувчиларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини такомиллаштиришга эришилган;

фойдаланувчиларнинг компьютер билан мулоқот қилиш жараёнини тартибга солувчи меъёр талаблари (физиологик, психологик, педагогик,

техник ва маънавий) билан элементар математик тасаввурларини шакллантиришга қўйилган давлат талабларини ўзаро уйғунлаштирувчи методика ва алгоритм асосида такомиллаштирилган “Ота-она назорати” номли дастурий маҳсулот билан “Х-Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” номли республика ярмаркасида (2017 й., Тошкент ш.) иштирок этилган ва Тошкент давлат педагогика университети билан тузилган ҳамкорлик шартномаси асосида амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 январдаги 89-03-256-сон маълумотномаси). Натижада, фойдаланувчиларнинг компьютер билан мулоқот қилиш жараёнини меъёрий ва педагогик талаблар асосида тартибга солишга ва компьютер технологиясидан мақсадли фойдаланишга эришилган;

шахснинг интеллектуал ривожланиш индикаторлари (хотира тезлиги, тафаккур тезлиги, диққатнинг барқарорлиги, реакциянинг тезлиги, оптимал ечим танлаш) асосида такомиллаштирилган, мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонидан 2015-2017 йилларда Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган А-1-123. “Бошланғич синф ўқитувчилари учун математикадан мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 январдаги 89-03-256-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқувчилар математик саводхонлигини ривожлантиришда компьютер ўйинларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларининг ошишига эришилган;

мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларнинг шаклланганлик даражасини қайд этиб бориш ҳамда баҳолаш имконини берувчи, компьютер ўйин дастурлари орқали автоматлаштирилган механизм Олий таълимнинг 5111800- Мактабгача таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Matematik tasavvurlarni shakllantirish” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186- буйруғи асосидаги 1186-062-сон гувоҳномаси). Натижада бўлажак тарбиячиларни замонавий тенденцияларнинг глобал имкониятлари тўғрисидаги билимларини ривожлантиришга эришилган;

мультимедиа технологиялари (виртуал математик ўйинлар) билан интерфаол методлар (ўйин, шахсга йўналтирилган, табақалаштирилган, ривожлантирувчи, муаммоли-изланишли, интеллектуал тест, лойиҳалаштирувчи, ҳамкорлик)нинг уйғунлигини таъминловчи воситалар (дастурий маҳсулот ва дидактик таъминот) орқали такомиллаштирилган, мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларни шакллантириш методикасидан мактабгача таълим муассасаларида ўқув машғулотларни ўтказишда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 11 февралдаги 03.01/1-506-сон маълумотномаси). Натижада таълим муассасаларида компьютер ўйинлари орқали индивидуал ва гуруҳли машғулотлар узвийлигини таъминлашга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг илмий натижалари 8 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларда, 2 та

халқаро форумда муҳокамалардан ўтказилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар билан 3 та республика ва 1 та халқаро инновацион кўргазмаларда, 2 та республика миқёсидаги танловларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритилган. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон телевидениесининг “Ёшлар телеканали”, “Ўзбекистон 24”, Наманган ва Бухоро телеканалларида эфирга узатилган махсус кўрсатувлар орқали оммалаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 57 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 2 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 3 та ўқув-услубий қўлланма, Ўз Р ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шундан 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган. 15 та дастурий маҳсулотларга Ўз Р Интеллектуал мулк Агентлигидан муаллифлик гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 249 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **“Мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришнинг долзарб педагогик муаммо сифатидаги тарихий босқичлари, мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришнинг педагогик-психологик ва методик хусусиятлари, юртимиз ва хорижий давлатларда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари асосли манбаларга таянган ҳолда баён қилинган, мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришнинг бугунги кундаги ҳолати, мамлакатимиз ва хорижий давлатларда қўлланилаётган давлат дастурлари, амалга оширилаётган ислохотлар, қўлга киритилган натижалар ҳамда мавжуд муаммолар ўрганилиб, танқидий таҳлил қилинган.

Дунё цивилизацияси ҳар бир шахсдан содир бўлаётган барча ўзгаришларга тезда мослашиш ва муносабат билдириш, маълумотларни мустақил излаб топиш, таҳлил қилиш ва қўллашни талаб этади. Бундай шахсни тарбиялашда математиканинг ўрни беқиёсдир. Уни ўрганиш хотира, нутқ, тасаввур

ва ҳис-туйғуларнинг ривожланишини таъминлайди, қатъиятлилиқни, сабр-бардошни, инсоннинг ижодий қобилиятларини шакллантиради. Болаларнинг интеллектуал ривожланиши, комил инсон бўлиб улғайиши учун уларнинг ақлий қобилиятини шакллантиришга фаол таъсир кўрсатувчи, атроф-борлиқни англаш ва турли даражадаги амалий масалаларни ҳал қилиш учун, шу билан биргаликда, умумтаълим мактабининг бошланғич синфларида мувоффақиятли ўқиши учун зарур бўлган элементар математик тасаввурларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Элементар математик тасаввурларни шакллантириш – бу тасаввурнинг миқдор, сон, рақамлар, санок, шакл, фазо, вақт, арифметик масалаларни ечиш, мантиқий тафаккур қилиш жараёнлари каби барча таркибий қисмлари ҳақида бола онгида тўпланадиган тасвирларнинг ижобий сифат ўзгаришлари ва бу тасвирларни маълум бир яхлитлик ва изчиллик билан ҳосил қилиш жараёнидир. Унинг асосий масалалари қуйидагилардир:

- математик ривожлантиришнинг асоси сифатида тўплам, сон, миқдор, шакл, фазо ва вақт ҳақидаги билимларни бериш;
- теварак-атрофдаги миқдорий, фазовий ва вақт муносабатлари ҳақида дастлабки тасаввурларни шакллантириш;
- санаш, ҳисоблаш, ўлчаш, моделлаштириш, умумий таълим қобилиятлари бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- математик терминологияни эгаллаш;
- болаларнинг билишга бўлган қизиқишлари ва қобилиятларини, мантиқий мушоҳада қилиш, умумий интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш.

Л.В.Воронинанинг хулосаларига кўра, собиқ Иттифоқ давлатларида мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасаввурларини шакллантириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ўзининг маълум ривожланиш босқичларини ўз ичига олган тарихига эга:

биринчи босқичда (1920-1940 йй.) мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришнинг мазмуни ва методларини танлаш билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилган. Бироқ бу жараённинг бир бутун тизими ишлаб чиқилмаган;

иккинчи босқич - 1950 йилларни ўз ичига олади. Бунда А.М.Леушина томонидан мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришнинг илмий асосланган дидактик тизими ишлаб чиқилган. Бу дидактик тизимда асосий эътибор миқдор ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришга қаратилган;

учинчи босқичда (1960-1980 йй.) мактабгача таълим тизими учун математика бўйича ишлаб чиқилган дастурга предметларнинг шакли ва ўлчови, бутун ва бўлак муносабатлари, сонлар, фазо ва вақт муносабатлари ва бошқалар киритилган, мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришнинг психологик асослари сифатида ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириш назарияси қўлланилган;

тўртинчи босқич (1980-1990 йй.) мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасаввурларини шакллантириш муаммоларини тадқиқ

этишда катта аҳамиятга эга бўлди: бу тасаввурларнинг мазмуни кенгайди, унинг таркибига миқдор ҳақидаги тасаввурлардан ташқари фазо, вақт ва мантикий-математик тасаввурлар киритилди; болалар билан ишлаш методлари ва воситаларининг кўлами сезиларли даражада кенгайди, хорижий тадқиқотчиларнинг тажрибаларидан фойдаланилди (Дьенеш блоклари, Кюизенер таёқчалари);

2000 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасаввурларини шакллантириш муаммоларини тадқиқ этишнинг замонавий босқичи давом этмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришнинг замонавий тизими учун муҳим элемент - таълим мазмуни, методлари ва воситаларидир. Бугунги кунда замонавий таълим методлари ва юқори технологияларга асосланган таълим воситаларини ишлаб чиқиш бўйича кенг миқёсда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертациянинг **“Мактабгача таълим тизимида мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг педагогик-психологик асослари”** деб номланган иккинчи бобида мактабгача таълим-тарбия тизимида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш зарурати, мактабгача таълим тизими учун ишлаб чиқиладиган мультимедиа технологияларига қўйиладиган педагогик, психологик ва методик талаблар ҳамда бугунги кунда мактабгача таълим тизимида фойдаланилаётган мультимедиа технологияларининг таснифи баён қилинган.

Мультимедиа технологиясининг бир нечта таърифлари мавжуд. Жумладан, мультимедиа технологияси – информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация (объектларнинг фазодаги ҳаракати) самаралари асосида ўқув материалларини таълим олувчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган кўринишидаги технологиясидир.

Биринчи бўлиб фойдаланилган мультимедиа дастурлари – бу компьютер ўйинлари бўлган. Компьютер ўйинлари анча кенг тарқалган дастурий маҳсулотлар бўлиб, уларда мультимедиа технологиясининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилади: юқори имкониятли графика, анимация, овоз, мусиқа, товуш самаралари барча замонавий компьютер ўйинларида мавжуд бўлади.

Бугунги рақамли жамият болалар ва катталарнинг бўш вақтларини ташкил этиш учун кўплаб янги машғулот турларини таклиф этмоқда. Ўйин ўйнаш имкониятларини берувчи электрон гаджетлар уларнинг бўш вақтларини ўтказишнинг энг оммабоп ва замонавий усулларида бири бўлиб қолмоқда. XX асрнинг ўрталарида Америка илмий лабораторияларидан бирида ташриф буюрувчиларнинг кўнглини олиш учун пайдо бўлган компьютер ўйинлари бугун дунёни забт этди. Бугунги кунга келиб ривожланган мамлакатларда компьютер ўйинлари саноати энг даромадли соҳалардан бирига айланди.

Шубҳасиз, бундай даромадлар билан келажакда компьютер ўйинлари соҳаси янада жадал ривожланади. Ўзбекистон ҳам бу соҳада ривожланиб, дунё бозорига чиқиш учун дастлабки қадамларни қўймоқда. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2020 йил 15 октябрдаги ““Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармонида “...компьютер ўйинлари саноатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, хорижий инвестицияларни маҳаллий ИТ-маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва рағбатлантиришга жалб қилиш, ушбу соҳадаги малакали мутахассисларни танлаб олиш ва тайёрлаш...”<sup>8</sup> вазифалари белгиланган.

Компьютер ўйинлари мамлакатимиз мактабгача таълим педагогикасидаги янги ва долзарб муаммолардан биридир.

Замонавий тадқиқотчилар мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнларида, хусусан, болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришда компьютер ўйинларидан фойдаланиш муаммоларини турли ёндошувлар асосида тадқиқ қилганлар. Лекин бу масала ҳали ҳам кенг доирадаги тадқиқотларга муҳтож. Бир гуруҳ тадқиқотчилар компьютер ўйинлари болалар ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисобласалар, бошқалари компьютер ўйинларининг салбий жиҳатларини таъкидлайдилар.

Биринчи гуруҳ тадқиқотчилар компьютер ўйинлари болага атрофидаги оламни моделлаштиришга, билимларни ўзлаштиришга, кўникмаларнинг шаклланиши ва малакаларнинг ҳосил бўлишига ёрдам беришини, шунингдек, болада абстракт-манتيқий тафаккурнинг ривожланишига катта ҳисса қўшини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, бугунги компьютерлаштириш ва технологиялаштириш даврида мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбия жараёнида анъанавий педагогик усуллар ва воситалар билан бир қаторда компьютер технологияларидан, мультимедиа воситаларидан фойдаланиш болаларнинг гаджетлардан тўғри ва самарали фойдаланиш кўникмаларини эрта эгаллашларига сабаб бўлади. Бу эса болаларнинг рақамли дунёда яшаш ва тўлақонли фаолият олиб бориш учун тайёргарлигини таъминлайди.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар эса болалар ҳаётига компьютер ўйинларининг киритилиши – бу ўта жиддий масала эканлигини, бу ёшдаги болаларнинг таълим-тарбиясида компьютер ўйинларидан фойдаланишда оналар ва тарбиячи-педагогларнинг роли ва масъулияти жуда катта бўлиши лозимлигини айтиб, болалар компьютер ўйинларини катталарнинг назоратида ўйнашлари лозимлиги, улар болаларнинг ёши, қизиқиши ва таълим мақсадига кўра, компьютер ўйинларини танлаб, саралаб беришлари, компьютернинг ижобий ва салбий томонларини, у орқали юзага келиши мумкин бўлган фойдали ва зарарли оқибатларни мунтазам равишда тушунтириб боришлари кераклигини таъкидлайдилар. Компьютерларнинг болалар соғлигига таъсири муаммоси долзарб масаладир. Аммо юқори сифатли

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони: <https://lex.uz/ru/docs/-5030957>

техник воситалардан меъёрида, ўринли ва самарали фойдаланилганда, машғулотлар маълум бир тартибда олиб борилганда ва санитария-гигиена талаблари бажарилганда компьютерли фаолият болаларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча, у замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштириш, билим олиш, ақлий ривожланиш воситасига айланади.

Тадқиқотнинг **“Мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришда мультимедиали компьютер ўйинларидан фойдаланишнинг методик асослари”** деб номланган учинчи бобида мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган таълимий, ривожлантирувчи компьютер ўйинларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга қўйиладиган эргономик ва меъёр талаблари, шу талаблар асосида болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган мультимедиали компьютер ўйинларининг умумий тавсифи, улардан фойдаланиш методикаси, мультимедиали компьютер ўйинларидан фойдаланган ҳолда индивидуал ва гуруҳли машғулотларни ўтказишнинг педагогик ва методик шарт-шароитлари ҳақида фикр юритилади.

Мамлакатимиз болалар боғчаларида компьютердан фойдаланишнинг ягона санитар-гигиеник талаб ва қоидалари ишлаб чиқилган<sup>9</sup>. Унда, мактабгача таълим муассасаларида компьютердан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган ўқув машғулотлари учун кунлик ва ҳафталик вақт меъёрлари, компьютердан фойдаланишда риоя қилиниши зарур бўлган санитария-гигиена талаблари келтирилган.

Компьютер ўйинлари болалар ривожланишига салбий таъсир кўрсатмаслиги ва унинг натижасида салбий оқибатлар келиб чиқмаслиги учун компьютер ўйинларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга қуйидаги талаблар қўйилади (қ. 1- расм):

Эргономик талаблар мактабгача ёшдаги боланинг компьютерли ўйин фаолиятини олиб бориши учун қулай шароит, муҳит ва воситалар билан таъминланганлик даражасини белгилайди, физиологик талаблар боланинг компьютер қаршисида тўғри ўтириши ва компьютер билан мулоқот қилиш вақти бўйича санитар-гигиеник талаблар ҳисобланади. Психологик талаблар компьютер ўйинларининг психологик таъсири билан боғлиқ, педагогик талаблар болалар учун мўлжалланган компьютер ўйинларининг бирон бир фан асосларини ўргатиши, болаларни ривожлантириши билан биргаликда болалар тарбиясига кўрсатадиган таъсири билан белгиланади, маънавий талаблар компьютер ўйинлари орқали болалар онгига миллий мафкурамизга ёт бўлган, маънавиятимизга путур етказадиган ғоялар сингдирилишига асло йўл қўймасликни таъминлайди, техник талаблар эса компьютер техникаси билан мулоқот қилиш маданиятини шакллантириш билан белгиланади.

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг “Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасаларининг жойлашуви, тузилиши ва ташкиллаштиришга оид санитария-гигиеник талаблар” тўғрисидаги 0355-18-сон қарори, 01.03.2021 й., <https://lex.uz/docs/5316115>.



1- расм. Компьютер ўйинларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга қўйиладиган талаблар.

Ушбу талабларни инобатга олиб, мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришга мўлжалланган, амалдаги мактабгача таълим давлат стандарти талабларига тўла мос келувчи жамида 34 номдаги мультимедиали компьютер ўйин дастурлари ва фойдаланувчининг компьютер билан мулоқотини тартибга солувчи *“Ота-она назорати”* дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур содда, қулай ва миллий интерфейсга эга бўлган, Windows ОТдаги стандарт “иш столи” ўрнига алмаштирилган янги, болалар учун мўлжалланган “иш столи”га эга (қ. 2-расм). Бу дастур орқали компьютердан фойдаланиш вақтига ҳамда бола учун кераксиз, деб ҳисобланган дастурлар ва файлларга нисбатан чеклов йўлга қўйилади ва боланинг компьютер билан мулоқоти тўла назоратга олинади. Бундан ташқари, ушбу дастур компьютер экранини қатъий кетма-кетлик ва мантиқий изчилликдаги математик ўйинлар ёрдамида қулфлаш орқали тарбияланувчини дастлабки математик билимларни эгаллашга “мажбур” қилади.

*“Ота-она назорати”* дастури орқали боланинг компьютер ва компьютер ўйинларига бўлган қизиқишларини жиловлашга ва бу қизиқишлардан педагогик мақсад – фундаментал фан (хусусан, математика фани) асосларини эгаллаш йўлида фойдаланишга эришиш имконияти яратилди.

Ушбу универсал дастур экран блокировкасига қўйилган математик ўйинларни бошқа ўйинларга алмаштириш орқали ундан бошқа фан асосларини ҳам ўрганиш, масалан, савод чиқариш, тил ўрганиш ва шу кабиларни компьютер ўйинлари орқали амалга ошириш мумкин. Дастур тарбияланувчи учун яхши “мураббий” бўла олади ва унинг ёрдамида бола катталарнинг бевосита иштироки ва назоратсиз у ёки бу фан асосларини ортиқча қийинчиликларсиз, мажбурлашларсиз, ўйнаб ўрганиши, бўш вақтини унумли ва кўнгилли ўтказиши мумкин бўлади.



2-расм. “Ота-она назорати” дастурининг интерфейси.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган компьютер ўйинлари ушбу “Ота-она назорати” дастурига бириктирилиб, яхлит мажмуа ҳолатига келтирилди. Қуйида мазкур мажмуа таркибига кирувчи айрим ўйинларнинг хусусиятлари қисқача баён этилган.

“Автоолам” ўйини. Бу ўйин дастури, асосан, кичик ёшли болаларда рангларни таниш, бир-биридан фарқлаш ва ўхшаш рангларни ўзаро мос қўйиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга мўлжалланган бўлиб, болалар учун энг сеvimли бўлган машғулотлардан бири – автомобиллар ҳаракатини бошқаришга асосланган. Ўйин давомида ўйинчидан автоўйлақдан бирин-кетин келаётган турли рангдаги машиналарни автотураргоҳдаги мос рангли гаражларга жойлаш талаб этилади.


Ўйин кетма-кет ўйналувчи 6 та босқичдан иборат бўлиб, босқичлар ранглар сонига кўра шакллантирилган (қ. 3.а-расм).

Ўйиннинг эътиборли жиҳатлари қуйидагилар:

✓ босқичлардаги ранглар кетма-кетлиги рангларни ўргатиш методикасига асосан танланган.



а)



б)

3- расм. “Автоолам” ўйинининг интерфейси.

✓ персонажлар, машиналар сони, талаб этилган тўғри жавоблар сони, белгиланган вақт ҳамда машиналар тезлиги ўйин босқичлари бўйича ўзгариб боради. Ўйиннинг психологик таъсирини кўтариш ҳамда болаларда вақт ҳақидаги тасаввурларни ҳам шакллантириш мақсадида, ўйиннинг айрим босқичлари учун қоронғу персонаж танланган (қ. 3.б-расм).


✓ босқичлар орасида рағбатлантириш самаралари, мультфильм қисмлари намойиш этилади. Ота-она учун мультфильмни бошқасига алмаштириш имконияти мавжуд.

Бу ўйин болада рангларни фарқлаш, мос қўйиш, предметларни рангига кўра гуруҳларга бирлаштириш кўникма ва малакалари билан биргаликда вақтни идрок қилиш, эпчиллик, мустақил равишда тез қарор қабул қилиш, диққатни жамлаш каби сифатларни ҳам шакллантиради.

“Баскетбол” ўйини. Ҳаракатли спорт ўйинларидан бирига асосланган бу ўйин кетма-кет ўйналувчи 5 та босқичдан иборат. Ўйиннинг асосий объекти сифатида болалар учун сеvimли бўлган “Қизалоқ ва Маймоқ” мультфильмидаги қахрамонлар - қизалоқ ва айиқ танланган. Улар ўйин давомида болага тўпларни саватчага ташлашда ёрдам беради.

1-босқич сонларнинг шаклини ўргатишга мўлжалланган. Унда қизалоқ ёрдамида табло (экран)да кўрсатилган сонга мос номерланган тўпни саватчага ташлаш талаб этилади (қ. 4.а-расм). Таблодаги сонлар тасодифий равишда ўзгариб туради.

2- ва 3- босқичлар сонларнинг тартибини ўргатишга мўлжалланган. 2-босқичда тўплар номерланган сонларни ўсиш тартибида, 3- босқичда эса камайиш тартибида кетма-кет саватчага ташлаш керак бўлади (қ. 4.б-расм).



4- расм. “Баскетбол” ўйинининг интерфейси.


4-босқич жуфт ва тоқ сонларни ўргатишга мўлжалланган. Бунда қизалоқ тоқ, айиқ эса жуфт сонлар билан номерланган тўпларни навбат билан саватчага ташлайди (қ. 4.в-расм).

5-босқич сонни 10 га тўлдиришни ўргатишга мўлжалланган. Бунда таблога чиққан сонни 10 га тўлдирувчи сон билан номерланган тўпни саватчага ташлаш талаб этилади (қ. 4.г-расм).

Ушбу ўйин, кичик ёшли болаларда қўйилган масалага ижодий ёндошиш, оптимал ечим топиш, тез қарор қабул қилиш, диққатни жамлаш, ҳаракатни аниқ ва тез амалга ошириш каби бир қатор сифатларни шакллантиради.

Босқичлар орасидаги рағбатлантирувчи самаралар сифатида болаларнинг сеvimли машғулотларидан бири – бўяш машқи берилган. Бунда бола


берилган расмни мўйқалам ва рангли бўёқлар ёрдамида намунадаги расм каби бўяши мумкин (қ. 5-расм). Ота-оналар фарзандининг қизиқишларидан келиб чиқиб, расмларни алмаштириши ёки уларнинг ўрнига мультфильмларни танлаши мумкин.



5-расм. “Баскетбол” ўйинидаги рағбатлантирувчи эффектлар.

Ишлаб чиқилган компьютер ўйинлари куйидаги умумий жиҳатларга эга: ҳар бир ўйин бир нечта босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири кўзда тутилган муайян математик тасаввурларни шакллантиришнинг мавжуд методикаларига ҳамда дидактика тамойилларига тўла асосланган. Ўйинлар ва ўйин босқичлари соддадан мураккабга томон тартибланган ва ҳар бири ўргатувчи, етакловчи, диагностик ва коррекцион характерга эга. Ўйиннинг ҳар бир босқичини бажариш учун муайян вақт ажратилган. Агар бола муайян босқични мувоффақиятли бажара олмаса, у ўйиннинг навбатдаги босқичига ўта олмайди, шу босқични такроран бажаради ёки аввалги босқични қайтадан бажаради. Ўйинлар ва ўйин босқичлари қатъий кетма-кетликда очилади, фойдаланувчининг ўйинлар орқали ўзлаштириш кўрсаткичи дастур орқали мунтазам назорат қилиб, баҳолаб, натижалар қайд этиб борилади. Фойдаланувчининг математик ўйинлар орқали ўзлаштириш кўрсаткичининг куйи чегараси 85 % этиб белгиланган. Ўзлаштириш кўрсаткичи ўтиш фоизидан пасайган ҳолда ўйин босқичи такроран тавсия этилади, агар бу ҳол бир босқичда бир неча бор кетма-кет такрорланса, ўйиннинг аввалги босқичи такроран тавсия этилади, ўзлаштириш кўрсаткичи 85 % дан ортгандагина навбатдаги босқич ёки ўйинга рухсат этилади. Ўйинлар ва ўйин босқичларида мантиқий номуносибликларга йўл қўйилмайди. Масалан, “Интеллектуал карточкалар” ўйинида  $8 + x = 5$ ,  $x + 9 = 2$ ,  $6 - 7 = x$  кўринишидаги мисоллар экранга умуман чиқарилмайди. Ўйин давомида боланинг амалга оширган ҳар бир тўғри ва нотўғри ҳаракатлари экран четидаги индикаторларда акс этиб боради. Бу боланинг ўйин давомидаги ҳар бир танловининг натижасини ўзи ва ота-онаси кузатиб бориши ва баҳолаши учун имкон яратади. Босқичлар бўйича топшириқлар, олқишлар ёки танлов нотўғри эканлигига ишора сўзлар учун қиз бола овозлари берилган. Айнан қиз боланинг овози танланишига сабаб, кичик ёшли болаларнинг таълим-тарбиясида, аксарият ҳолларда унинг онаси, опаси ёки боғча опаси иштирок этиши инобатга олинган. Танланган мусикада, персонажларда ҳамда олқишловчи овозларда ҳар бир ўйиннинг миллийлиги акс этиб туради.

Болаларда элементар математик тасаввурлар шаклланганлик даражасини хотира тезлиги, тафаккур тезлиги, диққатнинг барқарорлиги, реакциянинг тезлиги, оптимал ечим танлаш каби кўрсаткичлар орқали компьютер ўйин дастурлари ёрдамида қайд этиб бориш ҳамда баҳолаш имконини берувчи автоматлашган баҳолаш тизими йўлга қўйилган (бу дастур ижодкорлари учун маълумотларни таҳлил қилиш ва зарур бўлса, дастурни қайта ишлаш, такомиллаштириш, ота-она ёки мураббийлар учун эса боланинг ўйин жараёнини, ўзлаштиришини назорат қилиш, унинг қайси математик кўникмаларни осонлик билан эгаллаб, қайсиларида қийинчиликларга дуч келаётганини, боланинг реакция тезлиги, хотира “кучлилиги”, ҳаракатларининг онглилигини кузатиб бориш, зарур ҳолларда болага малакаларни эгаллашларида кўмаклашиш, қўшимча изоҳлар ва тушунтиришлар билан тўлдириш имконини беради) (қ. 6- расм).



6-расм. Компьютер ўйини дастурининг маълумотлар қайдномаси.

Тадқиқотнинг “**Мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларини шакллантиришда мультимедиали компьютер ўйинларидан фойдаланиш самарадорлиги**” деб номланган тўртинчи боби тадқиқот натижалари асосида 2015-2020 йиллар давомида ўтказилган тажриба-синов ишларининг мазмуни ва олинган натижаларнинг статистик таҳлиliga бағишланган.

Тажриба-синов ишлари Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги бир қатор давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда 3-7 ёшли фарзандлари мавжуд бўлган оилаларда ўтказилди. Тажриба-синов ишларида мактабгача таълим муассасаларининг 1247 нафар тарбияланувчилари ҳамда оилаларда тарбияланаётган 396 нафар болалар респондентлар сифатида иштирок этдилар.

Тажриба-синов ишлари тўртта босқичда олиб борилди:

*1. Таъхис ва баъорат қилиш босқичида (2013-2015 йй.)* муаммо юзасидан олиб бориладиган фаолият мазмунини ёритувчи ҳаракат дастури ва махсус ишчи режа ишлаб чиқилди. Жумладан, 1- босқичда қуйидаги вазифалар ижобий ҳал этилди:

- педагогик диагностика объектларини белгилаш;
- муаммо ва мавзуни шакллантириш;

- тажриба-синов ишларининг мақсади, илмий фарази ҳамда вазифаларини белгилаш;

- тажриба-синов ишлари дастурини ишлаб чиқиш.

*II. Ташкилий-тайёргарлик босқичида (2015-2016 йй.)* куйидаги вазифалар амалга оширилди:

- тажриба майдонлари ва иштирокчилари таркибини аниқлаш;

- тажриба-синов ишларининг методик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

- тажриба-синов гуруҳларини танлаш.

Танланган тажриба майдонларида кичик (3-4 ёш), ўрта (4-5 ёш), катта (5-6 ёш) ва тайёрлов (6-7 ёш) гуруҳлари тарбияланувчиларида элементар математик тасавурлар шаклланганлик даражасининг дастлабки ҳолати аниқланди. Бунда куйидаги мезондан фойдаланилди:

*4-даража* – топшириқ тўла, тўғри бажарилса; *3-даража* – 1 – 2 та хатоликларга йўл қўйса; *2-даража* – топшириқ катталарнинг ёрдами билан бажарилса; *1-даража* – бола катталарнинг ёрдами билан ҳам топшириқни бажаришга қийналса.

Олинган натижалар асосида тарбияланувчиларнинг ҳар бир ёш гуруҳидан тажриба ва назорат гуруҳлари шакллантирилди. Тажриба гуруҳидаги жамида 827 нафар, назорат гуруҳидаги жами 816 нафар тарбияланувчилар тажриба-синов ишларига жалб этилди.

*III. Амалий босқичда (2016 - 2020 йй.)* асосий эътибор мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасавурларини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган компьютер ўйинлари ва улардан фойдаланиш методикасини техник ва педагогик синовдан ўтказиб, тарбияланувчилар ўзлаштиришидаги самарадорликни баҳолашга, синов натижаларига кўра, ишлаб чиқилган компьютер ўйинларини такомиллаштириб, сайқаллаб, мукамал ҳолатга келтиришга қаратилди. Бунинг учун тажриба майдонлари бўлмиш мактабгача таълим муассасалари ва оилаларда тўрт ўқув йили (2016/2017, 2017/2018, 2018/2019 ва 2019/2020 ў.й.) давомида тажриба-синов ишлари босқичма-босқич амалга оширилди.

*IV. Умумлаштирувчи босқичда (2020-2021 йй.)* тажриба-синов ишларининг натижалари асосида математик-статистик таҳлиллар олиб борилди ва яқунловчи хулосалар чиқарилди, синовдан ўтказилган методика, унинг ўқув-методик ва дастурий таъминотини амалиётга татбиқ қилиш бўйича зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тажрибадан аввалги ва кейинги олинган натижалар бўйича ҳисоблашлар ва статистик таҳлиллар ҳар ўқув йили якунида, тажриба майдонларидаги ҳар бир ёш гуруҳлари учун алоҳида-алоҳида олиб борилди ва тажриба якунида барча (тўртта ўқув йилидаги) натижалар умумлаштирилиб, умумий натижалар яна статистик таҳлил қилинди. Авторефератнинг ҳажми чегаралангани боис тажриба-синов якунидаги умумий натижаларнинг статистик таҳлилларинигина келтирамиз. Ушбу натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1- жадвал.

Тарбияланувчиларда элементар математик тасаввурлар шаклланганлик даражасининг тажриба-синов якунидаги умумий ҳолати.

	1- даража	2- даража	3- даража	4- даража	Жами
тажриба гуруҳи	13	27	183	604	827
назорат гуруҳи	32	173	354	257	816
<b>Жами</b>	<b>45</b>	<b>200</b>	<b>537</b>	<b>861</b>	<b>1643</b>

Ушбу натижалар бўйича статистик таҳлилларни амалга ошириш учун тажриба ва назорат гуруҳларидаги баҳолаш кўрсаткичларини мос равишда  $x_i$  ва  $y_j$  деб белгилаб, уларга мос келувчи қуйидаги 1- ва 2- вариацион қаторларни тузамиз (қ. 2-жадвал):


2-жадвал.

Тажриба-синов якунида  $x_i$  ва  $y_j$  баҳолаш кўрсаткичларига мос келувчи 1- ва 2- вариацион қаторлар

$x_i$	1	2	3	4	Жами
$n_i$	13	27	183	604	827
$y_j$	1	2	3	4	Жами
$m_j$	32	173	354	257	816

Бу ерда  $n_i$  – тажриба гуруҳидаги,  $m_j$  – назорат гуруҳидаги тарбияланувчилар сонини англатади.

Бу танланмаларга мос келувчи гистограммалар 7- расмда тасвирланган.



7- расм. Тажрибадан кейинги синов натижаларининг гистограммаси.

Гистограммадан кўринадик, тажриба гуруҳидаги тарбияланувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари назорат гуруҳи тарбияланувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори. Бу эса тажриба гуруҳида синовдан ўтказилган методиканинг самарали эканлигини кўрсатади.

2- жадвалга кўра, олинган ҳар бир танланма (тарбияланувчилар гуруҳи) нинг ҳажмлари (тарбияланувчилар сони) мос равишда  $N = 827$ ,  $M = 816$  бўлиб, танланма объектлари (тарбияланувчилар) устида олиб борилган баҳолаш категориялари сони  $C = 4$  га тенг,  $n_i$  ва  $m_j$  лар эса мос равишда биринчи ва иккинчи танланмалардаги ҳар бир баҳолаш кўрсаткичига мансуб бўлган объектлар сони бўлсин.

Статистик таҳлилни ҳар икки танланма бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблашдан бошлаймиз:

$$\bar{x} = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^c n_i x_i = \frac{1 \cdot 13 + 2 \cdot 27 + 3 \cdot 183 + 4 \cdot 604}{827} = \frac{13 + 54 + 549 + 2416}{827} = \frac{3032}{827} \approx 3,67$$

$$\bar{y} = \frac{1}{M} \sum_{j=1}^c m_j y_j = \frac{1 \cdot 32 + 2 \cdot 173 + 3 \cdot 354 + 4 \cdot 257}{816} = \frac{32 + 346 + 1062 + 1028}{816} = \frac{2468}{816} = 3,03$$

$$\text{Фоизда } \bar{x}\% = \frac{3,67 \cdot 100\%}{4} = 91,75\% \quad \bar{y}\% = \frac{3,03 \cdot 100\%}{4} = 75,75\%$$

$$\text{Самарадорлик} - \bar{x}\% - \bar{y}\% = 16,0\%$$

Демак, тажриба гуруҳларида машғулотлар компьютер ўйинларидан фойдаланган ҳолда олиб борилганда тарбияланувчиларда элементар математик тасавурларнинг шаклланганлик даражаси назорат гуруҳидагига нисбатан умумий ҳолда 16,0 % га ошган.

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда, тажриба якунидаги умумий ҳолат учун ўрта қийматлар, ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъудентнинг танланма мезони, Стъудент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари аниқланди (қ. 3-жадвал).

3-жадвал.

Статистик таҳлил катталикларининг қийматлари

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$K$	$X_{n,m}^2$	$\Delta_x$	$\Delta_y$
3,67	3,03	0,3819	0,6832	0,59	0,94	17,8	1508,9	288,6	0,04	0,06

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълумки,  $\bar{x} = 3,67$ ;  $\bar{y} = 3,03$ ;  $\Delta_x = 0,04$ ;  $\Delta_y = 0,06$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари қуйидагича бўлади:

$$K_{yc6} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{3,67 - 0,04}{3,03 + 0,06} = \frac{3,63}{3,09} \approx 1,17 > 1;$$

$$K_{o6o} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (3,67 - 0,04) - (3,03 - 0,06) = 3,63 - 2,97 = 0,66 > 0;$$

Олинган натижалардан, тажриба гуруҳларидаги тарбияланувчиларда элементар математик тасавурларни шакллантириш даражасига мос келувчи баҳолаш мезонининг бирдан, билиш даражасига мос келувчи баҳолаш мезонининг нолдан катталигини кўриш мумкин. Демак, мультимедиа воситалари ёрдамида мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасавурларини шакллантириш методикасини синовдан ўтказиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

## ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот ишини амалга ошириш натижасида қуйидаги хулосага келинди:

1) бугунги компьютерлаштириш ва технологиялаштириш даврида мактабгача ёшдаги болаларнинг элементар математик тасавурларини шакллантириш жараёнида мультимедиа технологияларидан, хусусан,

компьютер ўйинларидан ўринли ва мақсадли фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир;

2) бугунги технологиялар ривожланишининг янги даврида мактабгача таълим тизимида компьютер ўйинларидан интерфаол педагогик технологиялар уйғунлигида фойдаланиш тарбияланувчиларда элементар математик тасаввурларни тез, осон, ортиқча мажбурлашлар ва зўриқтиришларсиз шакллантириш ва шу билан биргаликда уларда ахборот технологиялари воситалари (гаджетлар)дан тўғри, унумли ва самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш имконини беради;

3) мактабгача таълим муассасаларида компьютер ўйинларидан фойдаланиш тарбиячи-педагогларнинг касбий савиясини оширишга ёрдам беради, ўқитишнинг янги ноанъанавий шакллари ва усулларини излашга, ижодий қобилиятларини намоён этишга ундайди;

4) мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбия жараёнларини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган ўқув-методик таъминот тарбияланувчилар ва ота-оналарнинг ахборот технологиялари бўйича компетенцияларга эга бўлишларини таъминловчи муҳим воситалардир;

5) компьютер ўйинлари болаларнинг математикани ўрганишга бўлган қизиқишини оширишга ёрдам беради, уларнинг когнитив фаолиятини ривожлантиради;

6) мазкур тадқиқот иши натижасида ишлаб чиқилган “Ота-она назорати” дастури болаларнинг компьютер билан мулоқот қилишларини физиологик, психологик, педагогик, маънавий ва техник жиҳатдан тартибга солиш билан бир қаторда уларнинг компьютер ўйинларига бўлган қизиқишларини дастлабки математик тасаввурларни шакллантиришга йўналтиради;

7) мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни интерфаол методлар ёрдамида шакллантиришга мўлжаллаб ишлаб чиқилган компьютер ўйинлари “Ота-она назорати” дастурига бириктирилган яхлит мажмуа ҳолида, замонавий педагогик технологиялар билан уйғунликда, давлат талабларида белгиланган қатъий кетма-кетликда фойдаланилганда, эришилган самарадорликнинг ўртача кўрсаткичи 16 % ни ташкил этади;

8) индивидуал таълим ҳамма вақт самарали бўлган. Шу боис ишлаб чиқилган компьютер ўйинлари мажмуидан оилада тарбияланаётган болаларнинг таълим-тарбиясида фойдаланиш уларда элементар математик тасаввурларни мустақил равишда (катталарнинг ёрдамисиз) тез ва осон шакллантиришга ҳамда болаларнинг компьютер билан мулоқотининг дастур ёрдамида қатъий назорат қилинишига ёрдам беради;

9) мультимедиа технологияларидан фойдаланиш мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнларини янги сифат даражасига олиб чиқиш, мазмунан янгилаш ва замонавий давлат таълим стандартларига жавоб берадиган мактабгача таълим сифатини таъминлашга имкон беради.

Шунингдек, тадқиқот натижасида қуйидаги **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

- илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талабларида мактабгача таълим муассасаларидаги ҳар бир ёш гуруҳларида тарбияланадиган болалар сонининг максимал миқдори ҳамда ўқув машғулотларини олиб бориш учун фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар рўйхати киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади;

- мактабгача таълим ва тарбия жараёнларига замонавий усуллар ва технологияларни татбиқ қилиш муаммолари бўйича кенг кўламли изланишлар ва тадқиқотлар миқдорини ошириш ва бунда хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади;

- мактабгача таълим тизими учун мультимедиа иловалари ва улардан фойдаланиш бўйича турли хил методик қўлланмалар, кўрсатмалар ва тавсиялар ҳамда машғулотлар ишланмаларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш лозим;

- мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган “Ота-она назорати” дастурини республикада фаолият олиб бораётган “Game club” лар фаолиятига жорий қилиш мақсадга мувофиқ;

- мазкур “Ота-она назорати” дастуридан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан бир қаторда умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун нафақат математика, балки бошқа фан асосларини ўзлаштириш жараёнида ҳам фойдаланиш учун дастурий воситалар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқимиз фарзандларини саводли қилишдек эзгу мақсад йўлида ишлаб чиққан компьютер ўйинларимиз фақатгина эзгуликка хизмат қилишига, маънавияти юксак, имон-эътиқоди мустаҳкам, иродаси бақувват, шижоати жўшқин, илму-маърифатда тенги йўқ баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшишига ишонамиз. Зеро, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “XXI аср – шиддаткор, тезкорлик асри, ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилларига айланган давр”.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**НАЖМИДДИНОВА ХИЛОЛА ЁКУБЖАНОВНА**

**МЕТОДИКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЭЛЕМЕНТАРНЫХ  
МАТЕМАТИЧЕСКИХ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ ДОШКОЛЬНИКОВ**

**13.00.08 – Теория и методика дошкольного образования**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора наук (DSc) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган – 2021**

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.2.DSc/Ped104.

Докторская диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский резюме) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.namdu.uz](http://www.namdu.uz) на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).


Научный консультант:	<b>Арипов Мирсайд Мирсиддинович</b> доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	<b>Бегимкулов Уюкбой Шойимкулович</b> доктор педагогических наук, профессор
	<b>Уринов Ахмаджан Кушакович</b> доктор физико-математических наук, профессор
	<b>Эркабоева Нигора Шерматовна</b> доктор педагогических наук, доцент
Ведущая организация:	<b>Ташкентский университет информационных технологий</b>

Защита диссертации состоится «16» ноября 2021 года в 16<sup>00</sup> часов на заседании разового Научного совета при научном совете PhD.03/04.06.2020.ped.76.02. по присуждению ученых степеней при Наманганском государственном университете (Адрес: 160119, город Наманган, улица Уйчи, дом 316 Тел.: (998) 69-227-06-12; факс: (998) 69-227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрировано за № 1). (Адрес: 160119, город Наманган, улица Уйчи, дом 316. Тел.: (998) 69-227-06-61).

Автореферат диссертации разослан «17» ноября 2021 года.  
(протокол рассылки № 1 от «17» 11 2021 года).



  
**Т. Файзуллин**  
Председатель разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

  
**Ш.К.Хужамбердиева**  
Ученый секретарь разового научного совета по присуждению ученых степеней, PhD

  
**А.К.Уринов**  
Председатель научного семинара при разовом научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Почти треть населения мира составляют дети. Сегодня в ряде развитых стран мира проводится ряд мероприятий, направленных на формирование у дошкольников элементарных математических представлений. В частности, с 1999 года в США действуют программы “Children and popular culture” (“Дети и популярная культура”) и “Math and Parent Partnerships” (MAAPS) (Математика и родительские партнерства”. Эти программы помогают формировать у дошкольников элементарные математические представления с помощью специально разработанных компьютерных программ, чтобы помочь родителям понять важность математики для будущего своих детей, познакомиться с новыми достижениями в математическом образовании, а также повысить свои знания в этом предмете.<sup>10</sup> В Финляндии под эгидой Министерства образования и культуры был создан информационный онлайн-портал для учителей, родителей и других сотрудников школы. Этот портал был создан в основном для того, чтобы помочь учащимся в возрасте 5-8 лет развить математические навыки и навыки чтения.

Сегодняшние социальные, научные и технологические достижения в мире противоречат существующей системе образования. Международные образовательные стандарты требуют от детей в возрасте от 3 до 7 лет знания основных понятий современных информационных технологий и приобретения навыков для их правильного использования. Возникла необходимость в применении совершенно новых подходов к определению целей, задач и принципов образования, пересмотру его содержания, форм, методов и средств обучения.

Необходимость выхода узбекской системы образования на мировую образовательную арену требует от ученых и исследователей проведения теоретических и практических исследований по различным аспектам образовательной среды. Современная система образования направлена на развитие интеллектуальных способностей каждого ребенка и на воспитание человека, готового жить в высокотехнологичном обществе, способного использовать инновационные технологии на протяжении всей жизни. Достижение цели во многом определяется уровнем развития математических навыков. В этом смысле математическое образование помогает сформировать элементарное математическое воображение детей в дошкольном возрасте. Роль и важность математического образования несравнимы, особенно в сегодняшнюю эпоху информации и технологий. Качественное математическое образование необходимо каждому, чтобы они нашли своё законное место в обществе, быстро и легко овладели высокими технологиями. Действительно, «Математика - основа всех точных наук. Ребенок, хорошо знающий эту науку, вырастет умным, открытым и сможет

---

<sup>10</sup> Ginsburg, H., Duch, H., Ertle, B. and Noble, K. (2012). How can parents help their children learn math?. In: B. Wasik, ed., Handbook of Family Literacy, 2nd ed. New York: Routledge, pp.51-65.

успешно работать в любой сфере ... »<sup>11</sup>. Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев подчеркнул необходимость усиления интереса молодежи к математике, правильной организации отбора одаренных детей и их зачисления в специализированные школы и высшие учебные заведения. Была поставлена задача, создать популярные учебники и пособия для детей по этому предмету, написанные простым и понятным языком, чтобы сформировать математическое сознание при необходимости с детского сада<sup>12</sup>.

В определенной мере, диссертация будет способствовать решению задач, обозначенных в Законе Республики Узбекистан «О дошкольном образовании» от 16 декабря 2019 года ЗРУ-595, в Указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года УП-4947, «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан - 2030» и мерах по ее эффективной реализации» от 5 октября 2020 года УП-6079, в Постановлении «Об утверждении Концепция развития дошкольного образования в Республике Узбекистан до 2030 года» от 8 мая 2019 года ПП-4312, «О мерах по повышению качества образования и исследований в области математики» от 7 мая 2020 года ПП-4708, в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию подготовки кадров для системы дошкольного образования» от 18 мая 2019 года № 418, «О мерах по внедрению передовых информационных и педагогических технологий в систему дошкольного образования» от 11 июня 2019 года № 487, а также и других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

**Обзор зарубежных исследований по теме диссертации<sup>13</sup>.** Исследования по использованию мультимедийных технологий, в частности компьютерных

---

<sup>11</sup> Из выступления Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева на встрече с учеными, молодыми исследователями, руководителями научно-исслед. институтов и представителями производственного сектора (31.01.2020 й.)

<sup>12</sup> В том же месте.

<sup>13</sup> Подготовка этого параграфа основывалась на следующих источниках: 2019. Ekrost.ru. Применение компьютерных игр в подготовке старших дошкольников к обучению в школе; Н.Л.Королева, М.В.Абрицова. Применение зарубежного опыта для использования информационных технологий в развитии детей 3-8 лет // Психолого педагогический журнал Гаудеамус.-2013, № 2 (22).; A Glimpse Into the Playful World of Seymour Papert. By Idit Harel; Г.П.Перку. Педагогические условия познавательного развития старших дошкольников в режиссерской игре с применением компьютерных средств; С.Л.Новоселова. Компьютер в детском саду // Дошкольное воспитание.-1998.-№9.-С.65-71.; О.А.Сулова. Что могут дать детям компьютерные игры? // Управление ДОУ.-2009.-№8.-С.55-59.; О.С.Воспитание успешного ребёнка в компьютерном веке.-М.:Гелиос АРВ, 2000.-192 с.; Е.Петрова. Развивающие компьютерные игры // Дошкольное воспитание.-200.-№8.-С.60-62.; Digital Forensics [Электронный ресурс]. URL: [http://www.bloomu.edu/digital\\_forensics](http://www.bloomu.edu/digital_forensics); UTC InfoSec Center Academic Offerings [Электронныйресурс]. URL: [http://www.utc.edu/Re-search/Cisa/concentration.php#\\_B.S.\\_Computer\\_Science](http://www.utc.edu/Re-search/Cisa/concentration.php#_B.S._Computer_Science); Technology in Early Childhood Programs. Serving Children from Birth through Age 8. URL: <http://www.naeyc.org/files>; Education Development Center, Inc., and SRI International. 2010. Final Ready To Learn Summative Evaluation. Report prepared for the Corporation for Public Broadcasting. N.Y.: Author; NAEYC. 2009. NAEYC Standards for Early Childhood Professional Preparation Programs: A Position Statement of the National Association for the

игр, в формировании элементарного математического представления дошкольников, ведущими мировыми исследовательскими центрами и компаниями, в том числе, Центром “Дошкольное детство”, в Московском государственном университете, РАО Психологическим институте, научно-исследовательским институте “Электроника”, в Ассоциации “Компьютер и детство”, в компании ООО «Новый Диск» (Россия), в Массачусетском технологическом институте, в программах “Children and popular culture”, Math and Parent Partnerships” (MAAPS), в крупных компаниях “National Association for the Education of Young Children - NAEYC”, Disney Interactive, ID Company, MultiSoft, Sony Pictures Animation Inc (США).

